

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.11

2017 йил “ 2 ” 06



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “ 28 ” 06

ТИЛИ ЎРГАНИЛАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (немис тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (немис тили)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Абдуллаева С.Я. – ЎзДЖТУ, “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.
- Исматиллаева Д.Т. – ЎзДЖТУ, “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

- Имяминова Ш.С. – ЎЗМУ, “Немис филологияси” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.
- Исмоилов Ю.Н. – ЎзДЖТУ, “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Тили ўрганилаётган мамлакат адабиётини ўрганиш юқори малакали мутахассис тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Адабиёт халқнинг миллий характерини билишга, тарих ва маъданиятнинг ўзига хослигини ўрганишга ёрдам беради. Шу билан бирга, миллат ва элатларнинг яқинлашишига ҳам сабаб бўлади. Фаннинг асосий мақсади ҳам талабаларда немис адабий жараёнининг мантиқий, тарихий ривожланиши ва муҳим ходисалари ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга қаратилган. Бунинг учун эса жаҳон адабий жараёни ҳақидаги тасаввурни шакллантиришда бошқа Европа мамлакатлари адабиёти тарихидан келтирилган фактларга ҳам мурожаат қилинади. Тили ўрганилаётган мамлакатнинг адабиёти талабаларга чет тилидаги танқидий ишлар, бадиий адабиёт билан ишлашдаги ва таржима қилишдаги маҳоратини кенгайтиришга, таржимонлик соҳасининг мақсад ва принциплари ҳақидаги билимларининг ошишига замин яратади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг мақсади - талабаларни немис адабиёти намояндалари ва уларнинг асарлари билан таништириш жараёнида классик намуналарни таҳлил қилиш, улардаги назарий ва амалий билимларини шакллантириш, таълимий -тарбиявий ва бадиий- эстетик руҳни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фаннинг вазифаси - талабаларни ўрганилаётган (немис) адабиёт тарихи билан таништириш, ҳар бир даврдаги адабий муҳитнинг инсонлар ҳаётидаги ўрнини белгилаш, бадиий асарларни ўқиб, таҳлил қилишга ўргатиш ва хорижий адабиётнинг энг яхши намуналарини белгиловчи омиллари тушунтириш, адабий жараёндаги муштараклик ва миллийликни кўрсатиш билан боғлиқ.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1- мавзу. Адабиёт - тарих - адабиёт тарихи

Фанга кириш. Ҳозирги босқичга қадар адабиёт ҳақида талай фан ва йўналишларда огоҳ бўлгансиз, ўша билимларга суянган ҳолда адабиёт ҳақидаги нуқтаи назарлар. Адабиёт жамият кўзгуси деган тушунча. Адабиётнинг оммавийлиги. Адабиёт ҳақида ҳикмат ва афоризмлар.

2 -мавзу. Ўрта асрлар даври немис адабиёти

Фольклор анъаналар ва черков мафкурасининг кураши жараёнида ўрта асрлар адабиётининг пайдо бўлиши ва равнаки. Қадимги герман эпоси «Хильдебранд ҳақида қўшиқ» да ўрта аср қарама-қаршилигининг ифодаси.»Нибелунглар ҳақида қўшиқ» нинг тарихий илдизлари. Севгига таъзим, хоним образи.

3-мавзу. Ўрта асрлар охиридаги немис адабиёти

Хартман Фон Дер Ауе ва унинг «Бечора Хайнрих» шеърини қиссаси. Диний ғоялар юксак ахлоқий принципларнинг асарда омухта қилиниши. Ўзини қурбон қилишга тайёр оддий қизнинг поэтик образи.

Вольфрам Фон Эшенбах ва унинг «Парцифаль» романи. Романдаги фольклор, куртуаз, диний – мистик ғоялар.

4 -мавзу. Рицарь-куртуаз поэзияси. Рицар романи ва унда сарой маданиятининг ифодаси.

Страссбурглик Готтфрид (Готтфрид Страссбургский) ва «Тристан ва Изолда» мухаббат тарихи. Инсоний мухаббатнинг улуғланиши. Романда куртуаз услубининг характерли белгилари ва қахрамонлар изтиробларини ифодалашга интилиши. Миннезанг ва унинг миллий ўзига хослиги. **Куртуаз кўшиқлар**нинг асосий турлари, халқ кўшиқчилиги анъаналарининг аҳамияти. XII-XIII асрларда аноним кўшиқлар.

Вольфрам Фон Дер Фогельвайде-машҳур немис миннезингери. Шоир поэтик услубининг шаклланишида халқ кўшиқларининг роли, унинг поэтик маҳорати. Шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар маданиятининг шаклланиши. Адабиётда танқидий ва сатирик антифеодал анъаналарининг ривожланиши. Янги жанрларнинг пайдо бўлиши (шванк, хунармандлар кўшиқлари ва б.).

5- мавзу. Уйғониш даври адабиёти. Гуманизм ва реформация

Ғарбий Европа адабиётларида Уйғониш даври ҳақида тушунча. Қатор Ғарбий Европа мамлакатлари адабиёт ва санъатида реализмнинг шаклланиши. Уйғониш даври санъатида инсон образи, реализмнинг ўзига хослиги. Уйғониш даври Ғарбий Европа адабиётининг жаҳоншумул аҳамияти. Реформация Германияда Уйғониш даврининг ўзига хосликлари. Инсонпарварлик фаолияти. Шаҳар қатламлари деҳқон поэзияси, реформацион адабиётнинг ривожини. Тасвирий санъат муваффақиятлари. Албрехт Дюррернинг реализмининг шаклланишидаги роли.

Ульрих Фон Хуттен – буюк гуманист, оташнафас публицист ва сатирик, реформация даври ва князлар, рицарлик ҳукмронлигига қарши муҳолифатининг фаол вакили. Хуттен «Мулоқотлар»и, Хуттеннинг сатирик маҳорати.

Роттердамли Эразм (Эразм Роттердамский) – буюк нидерланд гуманисти, унинг немис маданияти тарихидаги ўрни. «**Нодонликнинг ардоқли сўзи**» даврининг машҳур асари. Нодонлар ҳақидаги адабиётнинг анъаналари. Феодал жамиятининг сатирик ифодаси.

6- мавзу. Мартин Лютер ва Реформация.

Мартин Лютернинг рисола номалари, памфлетлар, уларнинг католик черковига қарши қаратилганлиги. Лютер псалмалари. «Инжил»нинг Лютер томонидан таржима қилишини ва унинг умумнемис миллий тили қарор топишидаги тарихий аҳамияти. Деҳқонлар уруши даврида Лютер позицияси. XVI аср иккинчи ярмида яратилган «Халқ китоблари», Доктор «**Йоханн Фауст ҳақида афсона**». Фауст ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлиши ва унда Уйғониш даврининг ифодаси.

7- мавзу. Себастьян Брант ва унинг «Ахмоқлар кемаси» асари.

Реформация арафасида немис ҳаётининг кенг сатирик манзаралари. Сатирада маиший йўналиш. Немис «Халқ китоблари» ва уларда давр ижтимоий ранг-баранг кайфиятнинг ифодаси. Тиль Уленшпигел ҳақидаги китоб. Оммавий халқ қахрамони образи. XVI аср боши халқ гуманизми, унинг ўрта аср дурнёқараши шаклланишидаги аҳамияти.

Ханс Сакс – XVI аср ўрталарининг эътиборли шоири. Унинг асарларида хунарманд турмушининг ифодаси. Сакс ижодининг ранг-баранглиги, сюжетларнинг

бойлиги, ундаги юмор ва дидактика. «Жаҳолатпарастлар мактублари» - схоластика ва католик черкови обрўсига қарши қаратилган сатира.

8- мавзу. XVII аср немис адабиётида барокко. Барокко усули ва унинг йўналиши.

Мартин Опиц ва унинг немис адабиётидаги ўрни. Ўттиз йиллик уруш ва унинг Германия тарихий ривожига фожели таъсири. Ўттиз йиллик уруш даври поэзияси.

9- мавзу. Пиетизм, сентиментализм ва рококо.

Андреас Грифиус – шоир ва драматург. Груфиус лирикаси.

Йоханн Гриммельсхаузен – саргузашт роман устаси. «Симплицизмуснинг бошидан кечирганлари» ўттиз йиллик уруш даври ижтимоий воқелигини кенг акс эттирган асар сифатида.

10- мавзу. Ф.Клопшток “Мессиа. Қврамонлик эпоси”

Германия XVIII асрнинг биринчи ярмида. Германиянинг ўша даврдаги аҳволи, иқтисоди, сиёсий структураси, ижтимоий муносабатлар ва мафкура. Клопшток асарининг немис адабиётидаги ўрни.

11- мавзу. Маърифатпарварлик даври адабиёти.

Йоханн Кристоф Готшед – XVII аср адабиёти анъаналарига қарши кураш. Тил ҳақидаги билимларни ва поэтик принципларни системалаштириш. Готшед классик реформаларининг чегараланганлиги. Классицизм.

Йоханн Иоахим Венкельман – антик санъат билимдони. «Юнон асарларига тақлид ҳақида ўйлар», «Қадимий санъат тарихи», Винкельманинг И.В.Гёте эстетикасига таъсири.

12- мавзу. Готхольд Эфраим Лессинг – буюк немис маърифатпарвари. . «Доно Натан» - фалсафий драма.

Лессингнинг назарий ишлари «Энг янги адабиётга дахлдор хатлар». Немис классицизми танқиди. «Лаокоон». Адабиёт ранг – тасвир ва поэзияда. Ифода предметини аниқлашнинг принципал аҳамияти. Классицизм амалиёти ва назариясининг танқиди. Лессинг томонидан Винкельманнинг «Хотиржам буюклик» асари идеални ва антикликни пасив идрок этганлиги танқиди. «Хамбург драматургияси» - немис маърифатпарварлик эстетикасининг машхур ҳужжати сифатида. Лессингнинг миллий театр, драматургияда реализм принципларини қарор топтириш учун кураши. Лессинг Шекспир ижодининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида. Лессинг театрнинг тарбиявий роли ҳақида. Лессинг масаллари, бадий шаклларнинг ўзига хослиги, мазмун долзарблиги. «Эмилия Галотти» XVIII аср буюк немис социал драмаси сифатида. Драманинг бадий хусусиятлари.

13 –мавзу. Бўрон ва тазйик адабиёти.

Хердер ва «Бўрон ва тазйик» адабиёти. Хердер ижодининг халқчиллиги. «Бўрон ва тазйик» ҳаракати драматургияси. Ушбу даврнинг ўзига хос белгилари. Марифатпарварлик даври адабиётидан фарқи. “Бўрон ва хужум” йўналишининг пайдо бўлиши, унинг вакиллари, немис маърифатпарварларининг илм-фанга, хусусан, адабиётга қўшган ҳиссалари, ёзган асарлари ва уларнинг сюжет ҳамда қахрамонлари.

14- мавзу. Йоханн Вольфганг Гёте – буюк немис шоири ва драматурги.

Гёте дунёқараши ва ижодининг шаклланиши. Лирикаси. «Гец фон Берлихенген - илк немис реалистик тарихий драмаси. Ёзувчининг бадий маҳорати. Гёте ижодининг Ваймар даври. Гётенинг Италия бўйлаб сафари. «Коринфлик келин» балладасида антик ва христиан дунёси ўртасидги конфликт. Гётенинг француз инқилобига муносабати. Гёте ва ўзбек адабиёти.

15- мавзу. Йоханн Вольфганг Гётенинг “Фауст” асари.

«Фауст» ва тарихий долзарб муаммолар. Гётенинг дурдона асарлари, асарлар қаҳрамонлари ва ғоялари. “Фауст” драмасининг дунё адабиёти ҳазинасига қўшган ҳиссаси. “Фауст” драмасининг жаон адабиётида тутган ўрни. “Фауст” драмасининг дунё тилларига қилинган таржималари.

16- мавзу. Ф.Шиллер ва унинг “Макр ва муаббат” асари

Ф.Шиллер - шоир ва драматург. Ўз драмалари билан бутун дунёга немис адабиётини танитишга ҳисса қўшган адиб Ф.Шиллер ҳаёти ва ижодининг немис адабиётида тутган ўрни. Шиллер бадий услубининг ўзига хослиги. Шиллернинг эстетикага доир асарлари. Шиллер балладалар устаси сифатида. Шиллер ва ўзбек театри. “Макр ва муаббат” асарида табақалар орасидаги тафовутнинг ёритилиши.

17- мавзу. Ф.Шиллер ва унинг “Қароқчилар” асари

“Қароқчилар” драмасининг ёзилиш тарихи. Асар қаҳрамонлари таснифи. Асарнинг немис адабиётида тутган ўрни. Асардаги ота бола можароси мотиви.

18- мавзу. Мумтоз адабиёт даври.

Мумтоз сўзининг аҳамияти, манолари. Немис мумтоз адабиётининг асосий вакиллари. Гёте ва Шиллернинг ҳамкорликдаги ишлари. Ваймар классицизми.

19- мавзу. Йоханн Вольфганг Гёте ва . Ф.Шиллернинг драмалари ва шеърлари.

Йоханн Вольфганг Гётенинг “Ифигения” асари. Фридрих Шиллернинг “Мариа Стюарт” тарихий асари.

20 –мавзу. Классицизм ва романтизм адабий давлари орасидаги вақт ҳақида.

Фридрих Хелдерлиннинг лирик маҳорати ва унинг асарларида инсон ва табиат фалсафаси.

21- мавзу. Классицизм ва романтизм адабий давлари орасидаги вақт ҳақида.

Фридрих Шлегель – Илк(йена) романтизми назариётчиси.

Ф.Шлегель замонасининг уч анъанаси ҳақида, романтик универсал поэзия сифатида. Новалис лирикасида диний мистик оҳанглар дунёни билишнинг юксак формаси сифатида.

22- мавзу. Романтизм даври адабиёти

Хайнрих Клайст-озодлик ҳаракати даврининг йирик прозаиги ва драматурги. Унинг адабий қарашларидаги зиддиятчилик. «Синган кўза» комедиясида персонажларнинг психологик маҳорати. Немис комедияларида романтизм ва реализм. Клайст новеллалари. Навелла жанри тараққиёти.

Хоффман. Хоффманнинг эстетик қарашлари. «Дон Жуан», «Мурғак Цахес» асарларида ижтимоий муаммоларнинг акс этиши.

23- мавзу. Ёш Германия (1830 - 1850) адабий оқимининг пайдо бўлиши.

Хайнрих Хайне - буюк немис шоири ва мутафаккири. «Қўшиқлар китоби» илк туркумининг лирик қаҳрамони. Шоирнинг «Шимолий денгиз» туркум лирикасида романтик фалсафа. «Йўл манзаралари» публицистик асари. Хайненинг публицистик маҳорати. «Қиш эртаги» - романтик сатирик поэма. Хайнрих Хайне асарларининг ўзбекча таржималари.

24 –мавзу. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги немис адабиёти

Бу давр адабиётида мафкуравий кураш. **Т.Фонтане** ижоди немис реализмининг муҳим воқеаси сифатида. 20 аср йирик реалистлари **Т.Манн**, **Х. Манн**, **Б.Келлерман**лар ижодий йўлининг мураккаблиги ва уларнинг ижодига таъсир этувчи факторлар.

25- мавзу. Реализм даври адабиёти Th. Storm (1817-1888): Der Schimmelreiter (1888)

Реализм даври адабиётининг ўзига хос жиҳатлари. Бошқа давр адабиётларидан фарқи. Йирик намоёндалари ва уларнинг асарлари. G.Keller (1819-1890): Der grüne Heinrich (1854 u. 1879)

26 –мавзу. Немис натурализи мактаби

Немис натурализи мактаби ва Г. Хауптман натуралистик эстетиканинг асосий белгилари. Герхард Хауптманнинг илк натуралистик драмаси. «Қуёш чиқиш олдидан», «Кун ботиши олдидан» асарлари Хауптманнинг асосий драмалари сифатида. Маттиус Клаузен образи.

Райнер Мария Рильке – 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги буюк немис шоири. Рильке поэтик маҳоратининг аср сўнгидаги адабий оқимлар билан боғлиқлиги.

27 – мавзу. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги немис адабиёти

Л.Франк ижодида маънавий уйғониш, социал утопизм мавзуси. XX аср танқидий реалист ёзувчилар ижодида инқилобий таназзул мавзуси. Ваймар

республикаси даври немис адабиёти. Кафканинг ижодий методи. Кафка ва экспрессионизм.

Томас Манн. – 20 аср буюк мутаффакири сифатида. «Буденброклар» - замондош немис жамияти улуғворлиги ва инқирозига бағишланган йирик реалистик полотно сифатида. Ҳаёт тарзи ва характерларни тасвирлаш маҳорати. Психологик таҳлил. 20 аср бошларида ёзувчининг ғоявий эволюцияси. «Мўъжизакор тоғ» романи. «Лотто Ваймард», «Доктор Фаустус» асарлари ва публицистикаси.

Хайнрих Манн ижодининг зиддиятли характери. Сатирик асарлари. «Ўқитувчи Унрат», «Севги кетидан қувиш» асарлари. «Содиқ фуқаро» - немис адабиётидаги сатирик роман сифатида. Публицистик асарлари.

28 –мавзу. Иккинчи жаҳон уруши даврида немис адабиёти

Немис адабиётида урушга қарши мавзу. А.Цвейгнинг урушга қарши асарлари. «Унтер Гриша ҳақида баҳс», Эрих Мария Ремарк, «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» романлари қахрамонлари.

Антифашистик муҳожирлик адабиёти. И.Бехер, А.Зегерс ижоди. Ҳ.Манннинг антифашистик асарлари Антифашистик адабиётнинг танқидий реализм тараққиётидаги аҳамияти. Т.Манннинг «Лотта Ваймарда», Б.Франкнинг «Сервантес» асарлари. Бертольт Брехт – шоир драматург ва театр арбоби. «Момо Кураж ва унинг болалари асари», «Галилей ҳаёти» драмаси.

29 – мавзу. XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунга қадар немис адабиёти

Германия Федератив Республикаси адабиёти. Германия Демократик Республикаси адабиёти. Германиянинг бирлашиши ва унинг адабиётда акс этиши. Миграция даври адабиёти. Немис замонавий адабиёти.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари маъруза мавзуларига боғланган ҳолда, талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш, ёзувчилар билан таништириш, ғоя, образ, ўртасидаги боғлиқликларни, ғоявий эстетик кадрийатларни кўрсата олиш хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилади.

1. Немис адабиётининг илк даври
2. XVIII аср маърифатчилик даври адабиёти
3. Илк романтизм
4. ХУШ аср 30-йиллар немис адабиёти
5. Ҳ. Ҳайне асарларининг ўзбекча таржималари
6. XIX асрнинг 80-90 йилларида Германияда натуралистик мактаб фаолияти
7. 1917 йил ноябрь инқилобидан ҳозирги кунларга қадар немис адабиёти
8. Немис адабиётида урушга қарши мавзунинг акс этиши

Семинар машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Немис халқ қахрамонлик эпоси

2. Уйғониш даври немис адабиётининг жанр хусусияти
3. Илк ўрта асрлардаги немис адабиёти.
4. Роттердамлик Эразмнинг Европа маданияти тарихида тутган мавқеи.
5. Сентиментализм ва Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» асари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. Gottfried Wilhelm Leibniz als philosophischer Wegbereiter der Aufklärung
2. Funktionaler Charakter der Lyrik von Heinrich Heine
3. Die Darstellung des Frauenbildes in „Maria Stuart“ (1800) von F.Schiller
4. „Der blaue Blume“ als zentrales Motiv der Romantik.
5. Das Rittertum als Träger der neuen höfischen Kultur
6. Die anakreontischen Gedichte in Rokoko
7. Vergänglichkeit und Leid der Welt als Thema in Lyrik des Barocks
8. „Der zerbrochene Krug“ (1811) von Heinrich von Kleist
9. Die Ideen der Aufklärung in den Werken von G.E.Lessing
10. Dramatisches Charakter der Balladen von F.Schiller („*Handschuh*“)
11. Verdienst von Martin Luther bei der Vereinheitlichung der deutschen Sprache
12. Ludwig Tieck und seine Kunstmärchen.
13. Die pietistische Literatur in Deutschland
14. „Die Leiden des jungen Werthers“ (1774) - autobiographischer Briefroman von J.W.Goethe
15. Ironie als Stilmittel im „Narrenschiff“ von Sebastian Brant
16. Sturm und Drang-Drama von F.Schiller
17. Die Epoche der Romantik in den Gedichten von J.von Eichendorf
18. Friedrich von Hardenberg und seine romantische Poesie
19. Die gemeinsamen Arbeiten von Schiller und Goethe: die Zeitschrift „Die Horen“ und Gedichtband „Xenien“ (1797)
20. Stefan Zweigs Werk „Die Welt von Gestern. Erinnerungen eines Europäers“ (1942)
21. Innere Emigration: Autoren, Werke, Themen.
22. Motiv des Vater-Sohn-konflikts in den Werken von Franz Kafka.
23. Die Besonderheiten der literarischen Epoche der Frühromantik.
24. „Der Sandmann“ von Ernst Theodor Amadeus Hoffmann.
25. „Kabale und Liebe“ (1784) von F.Schiller
26. Die Deutsche Vereinigung und die Wende im Spiegel der Literatur.
27. Die Besonderheit der literarischen Epoche der deutschen Klassik
28. Die Gestalt des Gelehrten in „Faust. Eine Tragödie (Teil I)“ von J.W.Goethe
29. „Siddhatha“ von Hermann Hesse
30. Sturm und Drang als Folge der Aufklärung und Vorstufe zur Klassik.
31. Christa Wolfs Erzählung „Kein Ort. Nirgends“ (1979).
32. „Tristan und Isolde“ (1200/1210) von Gottfried von Straßburg
33. Die Merkmale von Naturalismus in den Werken von.....
34. Thomas Manns Roman „Der Zauberberg“ (1924).

35. „Der Prozess“ (entstanden 1914/15, erschien 1925) von Franz Kafka.
36. Trümmer – und Kahlschlagliteratur.
37. Die Alliteration als Stilmittel in der Lyrik
38. Die Kritik des Militarismus und Faschismus in den Werken von Erich Kästner.
39. Kritik an der Gesellschaft im „Buddenbrooks. Verfall einer Familie“ (1901) von Thomas Mann
40. Die „Dinggedichte“ von Rainer Maria Rilke
41. Verdienst von Brüdern Grimm in der Epoche der Romantik.
42. „Der Steppenwolf“ (1927) von Hermann Hesse
43. Der Abenteuerliche „Simplicissimus“ (1668) von Hans Grimmelshausen
44. Die Lyrik der 60er und 70er Jahre in Deutschland
45. Arno Holz und Johannes Schlaf. „Papa Hamlet“ (1889) – Widerspiegelung der Themen der Naturalismus
46. Arno Holz und sein Kunstgesetz.
47. Junges Deutschland – Die Epoche der Restauration und der Wiederherstellung alter Machtverhältnisse
48. Die Gedichte von Friedrich Hölderlin (1770-1843)
49. Der Roman von Günter Grass „Der Butt“ (1977)
50. Die Beleuchtung der verschiedenen Aspekte des Lebens in der DDR bis zum Fall der Mauer in der deutschen Literatur.
51. Die Rolle der Übersetzungen im Althochdeutschen.
52. Der Einfluss der Kriegserlebnisse im Roman von Hermann Hesse „Demian. Die Geschichte von Emil Sinclairs Jugend“ (1919)
53. Volksbücher als beliebte Form der Unterhaltungsliteratur im 16.Jh
54. Die Funktion der Literatur nach der deutschen Vereinigung.
55. Theater in Berlin und Bertold Brecht.
56. Bertolt Brecht und das epische Theater.
57. Die Karolinger Renaissance und derer Einfluss auf die deutsche Literatur.
58. Die Besonderheit der barocken Lyrik
59. Die erste Herrscherbiographie des Mittelalters: Vita Caroli Magni (830).
60. "Das Narrenschiff" von Sebastian Brandt

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Karimov Sh. Nemis adabiyoti tarixi. Toshkent: Mumtoz so'z, 2010.
2. Weimar K. Reallexikon der deutschen Literaturwissenschaft. Berlin New York 2007.
3. Kuhlmann W. Killy Literaturlexikon Autoren und Werke des deutschsprachigen Kulturraumes. 2., vollständig überarbeitete Auflage, 2012
4. Benedikt J. Neuere deutsche Literaturgeschichte. Narr Francke Verlag, Tübingen 2015

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.
10. Goethe J.W. Zakovat durdonalari. Toshkent, 2011.
11. Нурматов У. Ф.Шиллер Ўзбекистонда. Наманган, 2003.
12. Holiyarov L. Einblicke in die österreichische Literatur nach 1945. Тошкент: санъат нашриёти, 2004
13. Holiyarov L. Zeitgenössische österreichische Literatur. Тошкент „Фан“, 2007

Интернет сайтлари

14. <http://de.wikipedia.org/wiki/Realismus>
15. http://www.cdrnet.net/kb/data/DE_Epochen.asp
16. <http://www.literaturwelt.com/epochen.htm>
17. http://www.pinselpark.org/geschichte/spezif/literaturg/epochen/1794_romantik.html
18. http://www.pinselpark.org/geschichte/spezif/literaturg/epochen/1786_klassik.html
19. http://www.pinselpark.org/geschichte/spezif/literaturg/epochen/1815_biederm.html
20. http://www.pinselpark.org/geschichte/spezif/literaturg/epochen/1880_naturalismus.html
21. http://www.pinselpark.org/geschichte/spezif/literaturg/epochen/1945_nachkrieg.html
22. <http://www.sewanee.edu/german/Literatur/bieder.html>
23. <http://www.sewanee.edu/german/Literatur/klassik.html>
24. <http://www.sewanee.edu/german/Literatur/nachww2.html>
25. <http://www.sewanee.edu/german/Literatur/natural.html>
26. <http://www.sewanee.edu/german/Literatur/romantik.html>
27. <http://www.xlibris.de/Autoren/Klassiker/Literaturepochen.htm>

